



Tadqiqot.uz

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



Crossref



**31 MAY
№28**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 28-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
4-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
28-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-4**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
28-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-4**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 28-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 май 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 14 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ
ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ**

1. Дўланбоева Ойгул Аслбек кизи ШОИРЛАР СОЦИАЛ ҚИЁФАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ БЎЛИШИ БОСҚИЧЛАРИ.....	7
2. Давронова Феруза Рахмоновна ДУНЁНИНГ НУФУЗЛИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ.....	11



СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

ШОИРЛАР СОЦИАЛ ҚИЁФАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ БЎЛИШИ БОСҚИЧЛАРИ

Дўланбоева Ойгул Аслбек кизи
Ўзбекистон Миллий университети
Социология кафедраси таянч докторанти
Телефон: +99890 9876328

Аннотация: Ушбу мақолада шоирлар социал қиёфасининг шаклланиши ва трансформация бўлиши босқичлари ва унга таъсир қилувчи хусусиятлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: инсон, жамият, санъат, маданият, шоирлар, социал қиёфа.

Ижодкорларнинг, хусусан шоирларнинг жамиятдаги социал статуси роллари, ижтимоий сиёсий фаоллиги, кадрятий мўлжаллари, мотивлари бўш ва бошқа хусусиятлари уларнинг социал қиёфасини белгилайди. Маълумки, ушбу жараён кишилик жамиятининг турли даврларида турлича баҳоланган. Жамиятнинг муайян ижтимоий-тарихий шароитда шакланганлиги, ундаги кадрятлар тизими, урф-одат ва анъаналар, стереотиплар, хулқ-атвор стандартлари ижодкор социал қиёфасининг шаклланишига асос бўлади. Ушбу омиллар билан бир қаторда санъатнинг, хусусан адабиётнинг жамиятдаги ўрни, ижтимоий функциялари шоир статусини, ролларини ижтимоий сиёсий фаоллигини, бошқача қилиб айтганда унинг социал қиёфаси ўзгаришини, трансформация бўлишини таъминлайди.

Бу маънода санъатнинг, хусусан адабиётнинг жамиятга ижтимоий-регулятив таъсирининг ахамияти муҳим эканлиги қадимги даврлардан маълум. Мутафаккирлар, файласуфлар, шоирлар бадий адабиётнинг инсон ҳаётидаги ўрни, шоир ёзувчиларнинг жамиятдаги мақоми, уларнинг ижод эркинлиги каби муаммолар ҳақида турли мулоҳазаларни билдириб ўтганлар. Хитойнинг эраиздан аввалги XXII асрга нисбат берилувчи қадимги манъбаси “Шу-Кинг” китобида бу борада қуйдаги мулоҳазалар келтириб ўтилган: “Шерият ва мусиқа инсонни кўнгилчан, бироқ, қатияатли, меҳрибон, аммо, матонатли, мулоҳазали, лекин шижоатли қилиб тарбиялайди” [1, 89].

Қадимги Хитой файласуфи Кун-Фу-Цзы (Конфуций) инсон ҳаётига шерият таъсирининг тўртта шаклини ажратиш кўрсатади:

“Шерият 1. (син)ни мустаҳкамлайди, оқибатда у хисий ва ақлга таъсир кўрсатади; 2. У (цун) шаклида инсонларни ўзаро жипслаштиради; 3. У (гуань) шаклида турли халқларнинг ахлоқи ҳақида тасавур беради; 4. У (юань) шаклида ҳуқумдорларнинг кўнглини юмшатади” [1, 89].

Келтирилган муҳозаларга асосланиб айтиш мумкинки, санъат, хусусан бадий адабиёт инсон хулқ атворига таъсир кўрсатувчи, яъни регулятив ва манипулятив восита сифатида ҳам намоён бўлади. Ушбу омиллардан келиб чиққан ҳолда, шоирларнинг жамиятдаги роли турли даврларда ва турли ижтимоий тизимларда турлича кечган деган хулосага келиш мумкин. Жамиятлардаги иқтисодий-сиёсий вазиятлар, дин, кадрят, анъаналар шоир статусини ижтимоий иерархия бўйлаб турли позицияларни эгалашга мажбур қилган.

Антик давр жамиятида ижтимоий нуфуз саналган Ақли мушоҳада машғулоти билан шуғулланиш ўз меҳнати эвазига фойда олиш дастлабки пайтларда қораланган. Шу боис антик давр шоирлари жамият ижтимоий иерархиясида қуйи позициялардан жой олганлар. Бу даврда интеллектуал катлам сифатида шоирнинг социал статуси қуйдаги икки омилга боғлиқ бўлган:

1. Ўз ижодини беғараз амалга ошириш. Унга кўра, шоир учун аваломбор ижодий эркинлик, ақли мушоҳада бирламчи ахамиятга эга бўлган;

2. Ўз ижоди эвазига ҳақ олиш. Ушбу йўлни танлаган шоир жисмоний меҳнат қилувчи



фуқаролар билан тенглаштирилган у олий табақа вакиллари учун уюштирилган тадбирларда иштирок этолмаган.

Кейинчалик Афина демократияси натижасида бадий ижодкорлар, айниқса, трагедия жанрида ижод қилган шоирлар интеллектуал нуқтаий назардан сезиларли нуфузга эга бўлишган. Еврипид, Софокл, Аристафан каби шоирлар айнан Афина демократияси даврида ижод қилиб, юқори ижтимоий мавқейга эришганлар. Шунингдек, драматург шоирлар донишмандлар сифатида ҳам этироф этилган. Бу маънода файласуф ва шоирларнинг ўзаро рақобати кузатилади. Маслан, Платон шериятни ҳақиқий санъат сифатида баҳолаш керакми, йўқми? Деган саволга жавоб бериш билан бирга, шоирнинг ўша даврда мавжуд бўлган, (донишмандлик отаси,) (йўлбошловчи) каби ижтимоий функцияси» [1, 251] ҳақидаги тасавурларни танқид қилади.

Шуни этибордан четда қолдирмаслик лозимки, антик давр интеллектуал нуқтаий назаридан, ўрта статистикадаги юнон учун шоир чиндан ҳам, йўл кўрсатувчи сифатида қабул қилинган. Мисол учун Гомернинг дostonлари нафақат муайян қофия ва вазиндан иборат шерлар тўплами, балки, ҳарбий ва давлат бошқарувида дастури амал тарзида ҳам қўлланилган. Бундан ташқари, юнонлар Худоларга мурожат, шахслар аро муносабатлар, хис туйғулар, кундалик ҳаёт масалалари ҳақида малумотларни айнан Гомер, Гесиот ва бошқа драматургларнинг асарларидан олганлар. Шу боис шоирлар ижтимоий муносабатларнинг билимдони, ўзига хос эксперти дея тан олинган.

Бироқ, Платон ўзининг дастлабки диалоглари саналувчи “Сукрот Апологияси”дан, то “Қонунлар”гача бўлган асарларида шоирларни танқид қилади. Масалан у, “Давлат” диалогда қуйдаги фикрларни келтиради:

“Улар жуда чиройли ва гўзал сўзлайдилар, аммо билмаган нарсалари ҳақида сўзлайдилар” [3, 318].

Платондан фарқли равишда Аристотел шериятнинг катарсис, аниқроғи фориғлантирувчи хусусиятига эътибор қаратади. “Тарихчилардан фарқли шоирлар, деб ёзади Аристотел, -реал воқеялик ҳақида эмас, балки эҳтимолий (потенциал) ҳодисалар ҳақида ёзади. Шу боис шерият фалсафага яқин. Идеал полис фуқароларини тарбиялашда эса, шоирларнинг ахамияти катта” [4, 45].

Ўрта асрлар Фарбий Европа жамиятида христианлик таълимоти инсон ҳаётининг барча жабхаларини қамраб олди. Табиғий санъат, шу жумладан бадий адабиёт ҳам, черков анъаналари доирасида намоён бўлди. Бу маънода ижодкор, яъни шоирнинг функцияси диний маъно касб этди. Черков ўрнатган цензура, айниқса антик давр санъатида кенг тарқалган, шоир статусини ижодий эркинлик нуқтаий назаридан чеклаб қўйди. Черков оталари, хусусан, Авлиё Августин, ҳар қандай лаззатланиш, шунингдек, санъатдан лаззатланишни ҳам диний ақоитга зид дея эълон қилди. Августинга кўра: “Антик давр шоирлари беҳуда вақт ўтказиш билан машғул бўлганлар. Шоир учун ягона мақбул машғулот бу, библияни талқин қилишдан иборат. Муқаддас китобдаги илохий мохият шоир ақлидаги беҳаё, беҳуда фикрларни сиқиб чиқариши лозим” [5, 139-140].

Ўрта асрларнинг охирига келиб, санъатнинг аста секинлик билан ихсослашуви натижасида, черков томонидан ўрнатилган цензура юмшатила бошлади. Ўз навбатида ижодкорнинг ҳам шахсий масулияти ортди. Бироқ, ушбу эркинлик ҳам иерархик кўринишга эга бўлиб, унда рассом ва хайкалтарошларнинг нуфузи баландрок эди. Чунки мазкур ижодкорлар асосан черков буюртмасини бажаришарди [6, 166-167]. Бироқ, ушбу нисбий эркинлик ҳам ижодкорни “мохир уста” мақомидан нарига ўтказмади. Адабиёт теологиядан, тасвирий санъат ҳуранмандчиликдан ажратилмади. Оқибатда ижодкор том маънодаги эркинликка, яратувчи, ижодкор шахс статусига эга бўлмади.

Уйғониш даври гуманизм тамойилида илгари сурган гўзаллик, уйғунлик, инсон эзгулиги каби ғоялар ижодкор ва санъатга нисбатан янги дунёқарашни шакиллантирди. Бу жараён кейинчалик ижодкор, жумладан шоир ёзувчиларни ўзига хос интеллектуал қатлам сифатида шаклланиши учун замин яратди. Айнан Европа ренессанси даврида санъат фанга тенглаштирилди. Тарихчи олим П.П. Гайденка табири билан айтганда, “Инсон муайян санъат асари яратаркан, унинг бу иши яратувчига тақлид сифатида қабул қилинди” [7, 516].

Санъатга нисбатан ушбу ёндашув, табиғий ижодкорни, хусусан шоирнинг жамиятдаги ижтимоий ўрнини белгилаб берди. Уйғониш даври ғоялари нуқтаий назаридан шоирнинг бош мақсади инсонни инсонпарварлаштириш бўлди. Шоир биринчи навбатда кишиларга маърифат улашиши керак. “Чунки, рухонийнинг вази, ёки файласуфнинг оғир таълимотидан



кўра шер инсон онгига тез таъсир қилади” [8, 276].

Бу ўринда файласуф Б. Варкининг қйдаги фикрларини ҳам келтириш мумкин “Шоирнинг мақсади инсон руhini фориғлантириш бўлиб, у бу мақсад йўлида тақлид қилиши, муболаға қилиб, ёлғон гапириши ҳам, мумкин, аммо унинг натижасида кишилар ўзини бахтли хис қилсин” [9, 53].

Юқорида айтиб ўтилганидек, ренессанс ғоялари ижодкорни “уста” мақомидан олиб чиқди. Айниқса тасвирий санъат ва адабиёт хунармандчилиги ва теологиядан халос бўлиб, мустақил фаолиятга айланди. Натижада шоир ёзувчилар жамиятда ўзига хос интеллектуал қатлам сифатида шакилланди. Европа маданиятида шоир ёзувчиларнинг социал қиёфаси муайян шакил касб эта бошлади. Уларнинг хулқ атвори, хатти харакатлари ўрта статистикадаги киши учун қабул қилинган хулқ атвор стандартларидан фарқ қилди. Петрарко, Данте, Боккаччо каби шоирларнинг ҳаёт тарзи ҳақидаги эсталиклар бунга яққоол мисол бўла олади.

Шоирнинг ҳар бир асари яхлид олам, ёки борлиқнинг муккамал иникоси, гениал ақл махсули сифатида бахоланди. Натижада ўрта асрлар жамиятида моргинал деб қаралган шоир, уйғониш даврига келиб ижтимоий элитага мансуб бўлди. Ўрта асрлар шоир социал қиёфасидаги шакколик, беҳаёлик сифатида намоён бўлган хусусиятлар уйғониш даврида ўзига хослик, индивидуаллик сифатида маъно касб этди. Эндиликда шоир рефлексив хулқ атвордан кўра, медитатив сокинлик, мушоҳадага бой ўйчанлик каби хусусиятларни ўзида намоён этди.

XVI-XVII асрга келиб Европа маданиятида санъат гуманистик ғоялар таъсиридан воз кеча бошлади. Фан ва санъат алоҳида сохалар сифатида тармоқларга ажратилди. Барча санъат турларида кузатилганидек, бадий адабиётда ҳам, классицизм романтизм каби оқимлар юзага келди. Инсондаги тафаккур ва хис туйғулар бир бирига қарама қарши қўйилди. Ўз навбатида бу жараёнлар таъсирида шоирнинг ижтимоий роли, социал қиёфаси янгича мазмун касб этди. Француз шоири Ла Фонтен табири билан айтганда, “Айнан классицизм адабиёти трагедия, комедия, ода, масал, эртақ каби жанрларни кескин бўлинишига олиб келди. Бу бўлиниш соф эстетик мазмундан кўра, ижтимоий ахамиятга эга эди. Чунки классицизм адабиётининг мақсади инсонни тарбиялаш бўлиб, унда апстракт инсондан кўра, фуқаро назарда тутилади. Фуқаро учун эса, бурч ҳар қандай шахсий маънафатдан устун туради” [9, 53].

XVIII аср охири Европа ижтимоий ҳаёти ва маданиятидаги ўзгаришлар кишилар дунё қарашида кескин бурулиш ясади. Инсон ва унинг тафаккури имкониятларига ишонч турли позициядаги ижодкорларни бирлаштирди. Рационализм ғоялари таъсирида вужудга келган ижтимоий қадриятлар француз марифатпарварлари фаолиятининг асосини ташкил этди. Шуни назардан четда қолдирмаслик лозимки, айнан француз марифатпарварларининг Волтер, Руссо, Монтеске, Дидро каби етакчилари адабиёт соҳасида ҳам фаолият юритувчи ижодкорлар эдилар. Бу маънода шоир ёзувчининг жамиятдаги роли фан тарақиётига ишонч, секуляризм каби қарашларни халққа тарғиб қилишдан иборат бўлди. Айнан шу даврга келиб, файласуф, олим, шоир ва ёзувчиларнинг турли уюшмалари институционал ахамият касб эта бошлади. “Санъат ва маданиятнинг жамиятдаги ўрни академияларга бирлашишда акс этди. Академик иерархияларга аъзолик ижодкорга катта имкониятларга эга бўлишни таъминлади” [10, 67].

Мазкур даврда академияларнинг имкониятлари барча худудларни қамраб ололмасди, шу боис уларни ўзи ҳам, қўллаб қувватлашга муҳтож эди. Уйғониш даврида ташкил этилган меценатлик институтини ҳам Ижодкорнинг жамиятдаги мақомига таъсир кўрсатувчи тизимлардан бири сифатида кўрсатиш мумкин. Ушбу институт ижодкорга қирол саройларидаги турли мансаблардан тортиб, ҳар хил даражадаги имтиёзлар ва буюртмаларни кўлга киритиш имкони берарди.

“Европа қироллари саройида ёзувчи шоирлар асосан камердинер, шоир, котиб каби лавозимларда фаолият юритганлар” [11, 83]. Ижодкор ва раҳбар, яъни буюртмачи ўртасида ўзига хос мувозанат сақланган. Бу ўринда меценатнинг вазифаси, шоирни керакли лавозимга тавсия қилишдан иборат бўлган. Ўз навбатида шоир ҳам, буюртмачидан доимий иш ҳақини қафолатлашни сўраган. “Бир сўз билан айтганда меценат ижодкорнинг индивидуал қоблияти, малакасини баҳолай олган. Айрим истисноларни инобатга олмаганда, ижодкор ҳам, ортиқча имтиёзларни талаб қилмаган. У аваломбор иқтисодий эркинликни мақул кўрган” [11, 6].

XIX асрга келиб, айниқса Белгия, Голандия қироллигида “эркин ижодкор” концепсияси илгари сурилди. Ушбу концепсия ижодкорни ҳар жихатдан, иқтисодий, эстетик томонлама



буюртмачига қарам бўлишдан муҳофаза қиларди. Унга кўра ижодкор аноним буюртмачи учун ижод қилди. Бозор қонунларига асосланган бу муносабат, муалифни эстетик ва молиявий жихатдан эркин ижодкорга айлантирди. “Оқибатда шоирлар меценатнинг эстетик билим даражасига сабир қилишдан озод бўлиб, ўз идеаллари ва маслақларига кўра ижод қилдилар. Лекин бу эркинлик бозор қонунлари билан чегараланди” [12, 35].

Голандияда тажриба сифатида кўрилган ушбу концепсия янги давр маданий ҳаётининг махсули бўлган, ижодкор ва соціум ўртасидаги замонавий моделни яратишга замин ҳозирлади.

“Эркин ижодкор” концепсияси XIX аср Европа маданий ҳаётида ўзига хос қаттиқ стереотип яралишига сабаб бўлди. Ушбу маданий стереотип ижодкорни мутлоқ эркин шахс сифатида кўришни назарда тутарди. Бироқ, ижодкор ва санъат ўртасидаги муносабат кутилган натижани бермади. “Эркин ижодкор” тушунчаси социал нуқтаий назардан мавҳумлигича қолди. Зеро ижодий фаолият принциал жихатдан хунармандчиликдан ҳам, ёки муайян хизмат туридан ҳам алоҳида мустақил фаолият дея баҳоланди. XIX асрдаёқ сарой шоири, сарой бастакори лавозимлари ўтмишга айланди. Вужудга келган янги ижтимоий тизим шоирга ижодидан муайян профессия, яъни касб сифатида фойдаланишдан бошқа имконият қолдирмади. “Ижодкор проффесионал сифатида ўз ижодидан келган фойда эвазига кун кечиришга мажбур бўлди. Бу жараён уни санъатдан тижорат мақсадида фойдаланишга, ёки муайян сиёсий гуруҳларнинг тарғибот воситаси бўлишга ундади. Ушбу икки ҳолат ҳам эркин ижодкор ғоясига мос келмасди” [13, 74].

Ижодкор социал қиёфасини мифлаштириш жамиятдан ажралиб туриш, социал меорларга исён, хос доираларнинг оммага ўхшамаган хулқ атвори ҳақидаги қарашларни шакиллантирди. Ижодкор субъективлигини бу даражада мутлоқлаштириш, санъатнинг ижтимоий ахамиятини пасайиб боришига ҳамда муалифни жамиятга қарши позицияда қолишига олиб келди. Шахснинг утелетаризм ва эгоизм таъсирида қолиши ижодкорни эстетик қадриятларни ёқловчиси сифатида идеаллаштирди. Бу маънода XIX аср Европада илгари сурилган ғоялар индивид ва жамиятни ўзаро қарама қарши қўйиш натижасида юзага келган инкроздан чиқишга интилишни ифодалади. Мазкур инқирознинг ечими сифатида классик социологлар яратган “солидарлик” концепсияси таклиф этилди. Унга кўра, К. Сен-Симон, Ш.Фурье, П.Прудон, О.Конт, ҳамда Э. Дюргейм санъатни ижтимоий маданий ходиса сифатида жамиятдан ажратмадилар. Масалан, Прудон ижодкорнинг жамиятдаги функциясини қуйидагича қатъий белгилаб кўрсатади: “Биз шоир, рассом ёки, бастакордан уларнинг шахсий хис туйғуларини сўрамаймиз. Улар ўзлари учун эмас, биз учун ёзадилар ва чизадилар, қуйлайдилар. Чунки санъат инсоният ижтимоий ҳаётининг ёдгорлигидир, у инсоннинг реал воқеяликка нисбатан реакцияси натижасида вужудга келади. Ана шундагина санъат ўзининг соціо-маданий функциясини намоён қилади” [14, 475].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ильин И.А. Понятия монархии и республики. М., 1994.
2. Платон. Лисис, 214а. Полн.собр.соч. М., 1929. Ч.1У. С.251.
3. Платон. Государство // Сочинения. В 3 т. М.,1971 .Т.3.Ч.1.С.318.
4. Аристотель. Поэтика. М., 1957.
5. Гилберт К., Кун Г. История эстетики. М., 2000. С. 139-140.
6. Kavolis V. Social evolution of the artist enterprise. / In: Research in sociology of knowledge, sciences and art. Vol.11. JAI Press Inc., 1979. P.166-167.
7. Гайденко П.П. Эволюция понятия «наука». М., 1980.
8. Сидней Ф. Оправдание поэзией. / В кн.: Эстетика Ренессанса. Т.2. М., 1981.
9. Художественная культура в капиталистическом обществе. Л., 1986.
10. Художественная культура в капиталистическом обществе. Структурно-типологическое исследование / Науч.редактор проф. М.С.Каган. JL, 1986.
11. Haskell F. Patrons and painters. A study in the relations between Italian art and society in the age of the baroque. London, 1963.
12. Ротенберг Е. Искусство Голландии ХУН в. М., 1971.
13. Речи и письма живописца Луи Давида. М.-Л., 1933.
14. Ауэрбах Э. Мимесис. М., 1976.



ДУНЁНИНГ НУФУЗЛИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ

Давронова Феруза Рахмоновна,
ЎзДЖТУ 2-босқич таянч докторанти,
Тел: 90 322-92-09
feruza_davronova_82@mail.ru

Аннотация: хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун кураш жараёни бошланганидан бери дунё миқёсида аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, гендер тенглиги ва эркаклар билан бир хил маош олишга нисбатан адолатни ривожлантириш асосий вазифаси бўлган кўплаб ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилган. Мақолада аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун курашувчи қатор ташкилотлар, уларнинг мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот берилди.

Таянч иборалар: гендер, стереотип, ассимметрия, дискриминация, феминизм, бенефициар, конвенция.

Хотин-қизларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун кураш бошлаганларидан буён дунё миқёсида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, гендер тенглиги ва дискриминация, гендер стереотиплари ва ассимметриясига нисбатан курашувчи кўплаб ташкилотлар ташкил этилди. Жумладан, XX асрнинг иккинчи ярмида феминистик ҳаракатларнинг ривожланиши ва кенг тарғиб қилиниши натижасида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, хусусан овоз бериш ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган қатор касаба уюшмалари тузилди. Жумладан, Финляндияда 1987 йилда феминистлар гуруҳи ҳамкорлик қилиш мақсадида парламентда вакил бўлган барча сиёсий партияларнинг аёллар ташкилотларини бирлаштирувчи аёллар ташкилотини тузиш фикрига келди. Шу йўл билан аввалига қўмита шаклида, кейинчалик эса рўйхатга олинган жамоат бирлашмаси шаклида «Аёллар ташкилотлари ҳамкорлиги» коалицияси ёки НЮТКИС (NYTKISry) коалициясига асос солинди [1]. Ушбу ташкилот хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш сифати ва аҳволини яхшилаш, гендер тенглиги борасида ўз фаолиятини олиб боради. Аёлларни ҳимоя қилиш мақсадида Угандада ташкил этилган SASA! (Бошлаш (Start) – Хабардорлик (Awareness) – Қўллаб-қувватлаш (Support)- Ҳаракат (Action)) номли ННТ бошлаган сафарбарлик компанияси ҳам жамиятдаги манфаатдор томонлар билан тизимли иш олиб бориб, гендер динамикасини ўрганади [2]. SASA! лойиҳаси асосидаги компания хотин-қизларга нисбатан зўровонликка мурасизлик муҳитини яратишга ёрдам берган. Зўровонликнинг жисмоний, рухий ва ҳоказо турларига нисбатан амалга оширилган ахборот, тематик муҳокамалар аёлларнинг бу ҳолатни камайтириш, олдини олиш, жавоб реакцияси ва курашишини шаклланишига олиб келган.

Европа, Шимолий Америка ва Осиё минтақасидаги 57 мамлакатни бирлаштирган энг йирик минтақавий хавфсизлик ташкилоти бўлган ЕХХТ ҳам аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятлар стратегиясини амалга оширади. ЕХХТ Гендер тенглигини таъминлаш бўйича қуйидаги режаларни илгари суради:

1. ЕХХТнинг барча дастурлари, сиёсати ва тадбирларида гендер тенглигини мунтазам равишда жорий этишини таъминлаш.
2. Ходимларни гендер бўйича маълумотлардан хабардорлигини таъминлаш мақсадида тренинглар жорий қилиш.
3. Профессional бошқарув маданияти ва ишни ташкил қилиш жараёнини гендернинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш.
4. Бошқарув органларида аёл менежерлари аъзолигини ошириш.
5. Аъзо мамлакатларнинг гендер тенглигига эришиш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш.
6. Аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадларни белгилаш.
7. Гендер тенгсизликка оид можароларнинг олдини олиш ва тинч йўл билан ҳал этиш жараёнларида аёлларнинг ролини эътиборга олиш ва тарғиб қилиш.
8. Гендер тенглик бўйича ҳаракатлар режасини амалга оширишда мониторинг қилиш ва баҳолаш [3]. ЕХХТ Бош қотиби кенгашда тараққиётнинг йиллик ҳисоботини тақдим этади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ташкилот аёллар ва эркаклар учун тенг имконият-



ларни таъминлашга, тенсизлик муаммоларини сиёсат ва амалиётда аъзо давлатларда ҳам, ташкилотнинг ўзида ҳам акс эттиришга ҳаракат қилади.

Аёл ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишни мақсад қилган нуфузли ташкилотлар ҳақида сўз борганда, энг аввало, “БМТ Аёллари» («Un Women») ташкилотини келтириш мумкин. 2010 йил 2 июлда БМТ Бош Ассамблеяси вакиллари ташкилотнинг мақсадларига эришишда тараққиётни тезлаштириш, гендер тенглиги ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини ўз ичига олган БМТ Аёллар ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди. Шу тарзда «БМТ аёллари» - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гендер тенглик ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш масалаларига қаратилган (ингл. United Nations Entity for Gender Equality and the Empowerment of Women) яхлит тизим вужудга келди. Бугунги кунда у БМТнинг гендер тенглик бўйича масалаларини мувофиқлаштирувчи етакчи органига айланган. “БМТ аёллар” ташкилоти бутунжаҳон ташкилотининг қуйида келтирилган тўртта бўлимини бирлаштирди: БМТнинг хотин-қизлар манфаатлари йўлидаги ривожланиши учун фонд, хотин-қизлар ҳолатини яхшилаш бўлими, аёллар ҳолатини яхшилаш ва гендер масалалари бўйича махсус маслаҳатчи канцелярияси ва БМТнинг аёллар ҳолатини яхшилаш бўйича халқаро илмий-тадқиқот ва ўқув институти. Ташкилот ўз ишини 2011 йил январь ойидан бошлади. Биринчи ижрочи директори Чилининг собиқ президенти Мишель Бачелет бўлди. 2006 йилда ташкилотнинг элчиси этиб Никол Кидман сайланди. 2013 йил август ойидан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари ва “БМТ-аёллари” ташкилотининг ижрочи директори лавозимида Жанубий Африка Республикасининг давлат ва сиёсат арбоби Фумзиле Мламбо-Нгкука фаолият олиб бормоқда. У 2005 йилдан 2008 йилгача мамлакат вице-президенти сифатида фаолият юритган.

БМТ аёллар ташкилоти хотин-қизларга нисбатан камситишни йўқ қилиш, аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш, тараққиётнинг шериклари ва бенефициар (“бенефициар” – атамаси латинча “beneficium” сўзидан олинган бўлиб, таржима қилинганда инсонийлик, яхшилик қилиш, фойда олиш яъни маълум турдаги ҳужжатлардан фойда, даромад олувчи маъносида тушуниш мумкин [5]) лари сифатида эркаклар ва аёллар ўртасида тенгликка эришиш, инсон ҳуқуқлари, инсонпарварлик ҳаракатлари амалга ошириш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш каби масалаларда ишлайди. Ташкилот Барқарор ривожланиш мақсадларининг глобал кун тартибини амалга оширишга ва ҳаётнинг барча жабҳаларида аёлларнинг тенг иштирокини таъминлашга қаратилган бўлиб, қуйидаги беш устувор йўналишга эътибор қаратади:

1. Аёлларнинг етакчилигини ва сиёсий фаоллигини ошириш.
2. Аёлларга нисбатан зўровонликни йўқ қилиш.
3. Тинчлик ва хавфсизлик жараёнининг барча жабҳаларига аёлларни жалб қилиш.
4. Миллий режалаштириш ва бюджетини шакллантиришда гендер тенглигининг ролини аниқлаш [4].

Қисқача қилиб айтганда, БМТ аёллар ташкилоти Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда гендер тенглигининг аҳамиятини аниқлашга қаратилган. Шунингдек, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирокини таъминлайдиган “Аёлларга нисбатан камситилишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисида”ги Конвенция (CEDAW) ва Пекин ҳаракатлар платформаси каби халқаро мажбуриятлар ва ҳуқуқларга асосланади.

Тинчлик ва эркинлик учун аёллар халқаро лигаси (WILPF) – нодавлат ноtijорат ташкилот бўлиб, 1915 йилда Гаагадаги Халқаро Аёллар Конгрессида пацифист (тинчликни passив равишда тарғиб қиладиган шахслар ҳаракати) ташкилот сифатида тузилган. Мазкур ташкилот ҳозирда 37та давлатда ўзининг миллий бўлимларига эга. Ушбу ташкилот урушларнинг олдини олиш учун уларнинг сабабларини ўрганиш, тўлиқ қуролсизланишни амалга ошириш, ижтимоий ва иқтисодий ҳамкорликни таъминлаш каби мақсадларни кўзда тутди.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқлари инсоният маънавий-ҳуқуқий идеалларининг энг юкори даражада кўриниши бўлиб хизмат қилади. БМТ Низоми ва халқаро конвенцияларда ҳамда дунёнинг турли мамлакатлари конституцияларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари фундаментал ва ажралмас ҳуқуқлар сифатида қаралади. Хотин-қизлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, гендер тенглиги, дискриминация, аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўровонлик, эрта никоҳ масалалари доимий жаҳон ҳамжамиятини ташвишлантириб ке-



ладиган муаммолар ҳисобланади. Бу масалаларни ечимини топиш мақсадида юқорида келтирилган қатор халқаро ташкилотлар фаолият юритиб келмоқда. Бирок гендер тенгсизлиги муаммоси жамиятимизда чуқур илдиз отган муаммо бўлиб, аёллар яхши иш ўрнига эга бўлиш, тенг миқдорда маош олишда тенгсизликка дуч келишади. Кўпинча аёллар умумий таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишда имкониятлари чекланган. Бутун дунёда аёллар зўровонлик ва камситишлардан азият чекишмоқда. Сиёсий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишда аёллар кам иштирок этади. Бир неча ўн йиллик ишлар натижасида БМТ аёл ҳуқуқларини ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришди. Бу соҳада ислохотлар тинимсиз давом этмоқда. Аёллар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг асосий йўналишларидан бири сифатида катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Аёлларнинг иқтисодий имкониятлари иқтисодий фаровонликни, ишлаб чиқаришнинг ўсишини ва ривожланишни рағбатлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)

1. Илкка Тайпале Финляндиянинг 100 та ижтимоий инновацияси/ Финляндия қандай қилиб Финляндия бўлди: сиёсий, ижтимоий ва маиший инновациялар. – Т.: “Sharq”, 2019. – Б. 74.
2. Прогресс женщин мира в 2019-2020 годах. Семьи в меняющемся мире. ООН-Женщины, 2019. - С. 20.
3. ОБСЕ (Организация безопасности и сотрудничеству в Европе) <https://www.osce.org/ru/gender-equality>
4. О структуре «ООН-женщины» <https://www.unwomen.org/ru/about-us/about-un-women>
5. Электрон манба: <https://www.gd.ru/articles/11630-benefitsiar>

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 28-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(4-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.05.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000